

O'ZBEKISTON

OVOZI


IJTIMOIIY-
SIYOSIIY
GAZETA

• 2006-yil • 24-avgust • Payshanba • 97-98 (27.590) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan



МИЛЛИЙЛИККА ЙЎҒРИЛГАН МИЛЛИЙ БОҒ

Президентимиз ташаббуси билан мутлақо янгича қиёфа касб этган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи бугун юртдошларимизнинг энг севимли масканига айланиб, пойтахтимиз кўрқига кўрк кўшиб турибди



Бунёдкорлик ва ободончилик ишлари, кўламазорлаштириш, боғлар яратиш халқимизнинг энг азалий фазилатларидандир. Президентимиз раҳнамолигида пойтахтимизда ҳамда вилоятлар марказларида қатор манзарали ва мевали хиёбонлар, боғлар яратиш, уларни сунъий ҳавзалар, канал ва фаворалар билан уйғунлаштириш тажрибаси анъанага айланди.

Хусусан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида кейинги даврда амалга оширилган реконструкция ишлари бунинг тасдиғидир. Бир пайтлар дарвоза вази фасини ўтаган устунлар ўрнида миллий меъморчилигимиз асосидаги нақшкор пештоқ, мрамрлар билан безатилган ўн икки устун ва беш гүмбазли маҳобатли дарвоза бунёд этилди. Кираверишдаги бетон майдон табиий яшил майсазорга айлантирилди, 9 гектарлик улкан кўл эса тўлиқ таъмирланди. Унинг туби чуқурлаштирилиб, сувни тозалаш тизими ўрнатилди. Қирқоқларни бир-бирига туташтирувчи янги кўприклар бунёд этилди. Кўл ёқасида спорт-соғломлаштириш маркази, шинам қаҳвахона жойлашган маҳобатли кема, ўртадаги оролчада эса чойхона, салқин ичимликлар дасталари қад ростлади. Ундан ортиқ энг замонавий аттракционлар ўрнатилди. Хориждан қирқдан ортиқ қайиқлар келтирилди. Боғдаги болалар темир йўли замонавий талаблар асосида қайта қурилиб, болажонларга завқ-шаўқ бағишламоқда.

Бундан ташқари, боғдаги режасиз қурилган кўримсиз бино ва савдо расталари кўчирилиб, уларнинг ўрнига чиройли ва замонавий хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этилди. Бир сўз билан айтганда, боғдаги жозибали ўзгаришлар бугун киши ҳайратини уйғотиши табиий. Айниқса, бу ерда яратилган қулай шароит, шаффоф кўл, хушманзара табиат ва ўзбекона миллий чойхоналар дам олувчиларга жуда маъқул бўлмоқда.

Миллий боғ бугун жуда гавжум. Атракционларда мириқиб учаётган болажонларнинг шодон қийқирғи, чойхонадаги отахонлар гурунги, кўлда эса йилгит-қизларнинг қайиқларда маза қилиб сузишлари боғга алоҳида кўрк бағишлаган.

— Фафур Фулом маҳалласида яшайман, — дейди биз билан суҳбатда бир отахон. — Боғ бизга бир қадам бўлса-да, илгари бу ерга ҳеч келмасдим, чунки дам олиш учун шароит йўқ эди. Бунинг устига кўлдан чиқаётган балчиқ ҳиди, пашша ва чивинлар нафакат асабага тегади, балки саломатликка ҳам таъсир қиларди. Президентимизга раҳмат, мана боғимиз баҳаво, соясалқин, сўлим масканга айланди. Биз бундан жуда миннатдоримиз.

— Ўтган йили боғда реконструкция ишлари олиб борилгани ва у бутунлай янгича қиёфа касб этганини телевизорда табаррук маскан. Шу боис унда миллий рух, нафосат ва гўзаллик акс этиб туришига алоҳида эътибор қаратилган, — дейди боғ директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Собит Маматов. — Юртбошимизнинг ташаббуси ва тақлифлари билан боғ ана шундай гўзал масканга айланди.

Зойиндин МАМАДАЛИЕВ
◆◆◆
Суратларда: Миллий боғ ҳаётидан лавҳалар.



Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар

Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қанотининг «Ёшларда фаол фуқаролик позицияси, юксак маънавият ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш вазибалари» мавзудаги республика анжумани қатнашчиларининг Ўзбекистон ёшларига

МУРОЖААТИ

Азиз дўстлар!
Яна бир неча кундан сўнг юртимизда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги шодиёналари кенг нишонланади.

Ватанимиз Мустақиллиги қўлга киритилганидан кейин юртимизда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий соҳаларда беқиёс ўзгаришлар содир бўлди. Шу йиллар ҳамда таваққурга эга бўлган озод ва бахтиёр авлод вояга етди. Улар чуқур билим олишлари, жисмоний ва интеллектуал салоҳиятини намоён этишлари учун Юртбошимиз томонидан тобора катта эътибор, ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Эндигина 15 ёшга тўлиб, қадди-қоматини тиклаётган мамлакатимиз олдида янада кенг қамровли ва янада муҳим вазибалар турибдики, бу ҳар биримиздан зим-

мамизга юклатилган масъулиятни тўла ҳис этиб, фаол ва ташаббускор, фидойи бўлишни, доимо ҳақдорлик ҳисси билан яшашни ва сидқидилдан деҳлат қилишни талаб этади.

Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти партиямиз гояларини қўллаб-қувватловчи, она-юрт равнақи ва фаровон келажаги йўлида фидойи бўлиб меҳнат қиладиган ёшларни жипслаштириш, улар билан биргалликда бугунги авлод олдида турган муаммо ва имкониятларни ўрганиб чиқиш, ёшларда фаол фуқаролик позицияси, юксак маънавият ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга ҳисса қўиши мақсадида, энг улуг, энг азиз бай-

рам мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида Ўзбекистон ёшларига мурожаат этади:

Кадрли тенгдошлар!
Биз мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ёшлар ижтимоий ҳаракатлари, жамоат ташкилотлари, барча соҳаларда меҳнат қиладиган, ўқув юртида таҳсил олаётган тенгдошларимизни истиқлол тўғрисида давлатимиз яратиб бераётган кенг имкониятлардан самарали фойдаланишга, бугунги тинч ҳаётнинг қадрига етишга, юртимиз тинчлиги ва осойишталигига раҳна солишга уринаятган бузғунчи кучларнинг иғво ва найранглирига учмасликка, мустақиллигимизни кўз қорачигидек асраш-

га; жонажон Ватанимизнинг буюк келажagini яратишдек олжаноб мақсад йўлида қўлни-қўлга бериб ишлашга даъват этамиз!

Бугун Юртбошимиз, она-Ватанимиз, халқимиз бизга катта умид билан кўз тикиб турибди. Мамлакатимизнинг эртанги қуни, келажаги қандай бўлиши бизнинг билимимиз, фидойилигимиз, қатъий ҳаётий позициямизга боғлиқ. Айнан бугун биз ҳар биримиз «Ватан учун мен нима қилдим?» деган саволни ўзимизга беришимиз ва унга муносиб жавоб топишга интилимиз керак.

Азиз дўстлар!
«Истиқбол» ёшлари сизларни ўз сафига қўшилишга, ижтимоий адолат йўлидаги тўсиқларни бартараф қилишда, ёшлар муаммоларини ҳал этишда елкама-елка туриб курашишга даъват этади!

Тошкент, 2006 йил 18 август

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати еттинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси 2006 йил 25 август кунини эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2006 йил 24 август кунини соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсисда рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLII MAJLISI SENATIDA

Шу йил 23 августда парламент юқори палатасининг кўмиталарида бўлажак еттинчи ялпи мажлис кун тартибидagi масалаларга бағишланган мажлислар бўлиб ўтди.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитасининг аъзолари Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенатга маъқуллаш учун юборилган қонунларни муҳокама қилдилар. Сенаторлар томонидан «Микромолиялаш тўғрисида»ги ва «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиниши ва микрокредит ташкилотларининг фаолиятини ривожлантириш учун ҳуқуқий базани шакллантиришга, тадбиркорлик субъектларининг кенг доираси ва аҳоли молиявий воситалардан ҳамда кредит ресурсларидан фойдаланиши учун имкониятни кенгайтиришга, микромолиявий ва микрокредит хизматлар кўрсатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга, барқарор иқтисодий ўсишга, иқтисодиётнинг ҳамма тармоқла-

рида макроиқтисодий ва молиявий барқарорлигининг мустаҳкамлашишга ёрдам бериши қайд этиб ўтилди.

Шунингдек, сенаторлар бир қатор бошқа қонунларни ҳам муҳокама қилдилар. Улар орасида «Фирма номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам бўлиб, у фирма номларини муҳофаза қилиш ва ҳимоялашнинг ҳуқуқий механизмининг такомиллаштириш, фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг фаолиятидаги рақобатчилик асосларини кучайтириш, фирром рақобат пайдо бўлишига тўсқинликлар яратиш имконини беради. «Фирма номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик

кодексининг ҳамда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни айрим нормаларини «Фирма номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирилади. Киритилаётган ўзгаришлар фирма номлари ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш учун шароит яратиши ҳамда фирма номларини рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларини соддалаштиради.

«Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни солиқ маслаҳатини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш ҳамда солиқ тўловчиларнинг ҳам, солиқ маслаҳатини ўтказиш ташаббуси билан чиқадиغان юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳам манфаатларини малакали ҳимоя қилиш, солиқ маслаҳатчиларининг ўзлари кўрсатган хизматлар натижалари учун жавобгарлигини ошириш имконини беради.

2-бет

Ўзбекистон — Украина: ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ҲУРМАТ ҲАМКОРЛИГИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Яқинда Украинанинг Ўзбекистондаги янги Фавкулда ва Мухтор элчиси Вячеслав ПОХВАЛЬСКИЙ ўз фаолиятини бошлади. Газетамиз муҳбири Элчи жаноблари билан мулоқотда бўлди.


— Вячеслав Владимирович, аввало Сизни Украина мустақиллигининг 15 йиллик байрами ва мамлакатимизда элчилик фаолиятингизни бошлаганингиз билан табриклаймиз.

— Раҳмат. Фурсатдан фойдаланиб, мен ҳам дўст Ўзбекистон халқини Истиқлол байрами билан чин дилдан қутлайман.

— Жаноб элчи, Тошкентга келганингизга бир ой бўлмоқда. Дастлабки таассуротларингиз қандай?

— Бу менинг Ўзбекистон билан илк учрашувимдир. Тўғриси, янги мамлакатга ҳар бир ташриф кишини ҳаяжонга солади, бироз ҳавотирлик уйғотади. Ҳар ҳолда Ўзбекистон ҳақида кўеши, иқлими иссиқ ўлка деб кўп эшитганман. Бу ердаги иқлим шароити оғирлик қилмасмикин, дарахлар кам эмасмикин деб ўйлагандим. Лекин самолёт мамлакатингиз пойтахтига яқинлашганда ям-яшил дарах-

ларни, бутун бир воҳаларни кўриб, кўнглим хотиржам тортиди. Ҳозирча вилоятларда бўлганим йўқ, лекин Тошкентнинг кўп жойларида бўлгач, яширолмайман, жуда хайратга тушдим. Пойтахтингиз жуда



маданият алоқалар йўлга қўйилган. Уларнинг ривожланиши истиқболлари қандай?

— Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик кўпқиррали тарихга эга. Ҳозир Ўзбекистонда юз мингга яқин украин яшамоқда. Украина маданият маркази фаолият кўрсатапти. Мустақил мамлакатларимиз ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича 70 дан ортиқ ҳужжат имзоланган. Лекин, афсуски, турли сабаблар билан улар тўлиқ ишлайётгани йўқ.

Ўзбекистон катта салоҳиятга, имкониятга эга мамлакатдир, унинг тарихи бой бўлиб, ҳақон цивилизациясига катта ҳисса қўшган.

Яқиндагина Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва Коллектив ҳавфсизлик шартномаси ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг норасмий учрашувига, Сочида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Украина Бош вазири Виктор Янукович ўртасида суҳбат бўлиб ўтди.

Ишончим комилки, бу мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

гўзал экан. Айниқса, шаҳарнинг ободлиги, тозаллиги ва замонавий бинолар менга ёқди. Тошкент чирой очмоқда: ажойиб кўчалар, шоҳ йўллар, гуллар, фаворалар. Сиздан ўрганадиган хижатлар кўп экан.

Яна бир муҳим гапни алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, қалби очиклигини ўз кўзим билан кўрдим. Чеҳралардаги табассум — умидбахшлик нишонидир.

— Украина ва Ўзбекистон ўртасида яхши иқтисодий ва

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар аниқлашувисини

O'ZSANOATQURILISHBANK
SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzspb.uz e-mail: info@uzspb.uz
Хизматлар аниқлашувисини

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKIDORGA HANKORI!
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, факс: 133-20-74
WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар аниқлашувисини

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар аниқлашувисини



АЗИЗ ЮРТДОШЛААР!

Ўзбекистон Республикаси «МИКРОКРЕДИТБАНК» акциядорлик-тижорат банки

Сизни республикамиз Мустақиллигининг 15 йиллиги билан муборакбод этади.

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки кичик бизнес билан шугулланаётганларга бошланғич сармояни шакллантириш учун йиллик 5 фоиз ставка билан 18 ойгача:

- **юридик шахс мақомига эга бўлмаган кичик бизнес субъектлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача миқдорда;**
- **юридик шахс мақомига эга бўлган микрофирмалар ва деҳқон хўжаликлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваригача миқдорда;**
- **фермер хўжаликлари учун энг кам иш ҳақининг 200 бараваригача миқдорда микрокредитлар ажратади.**

Микрокредитлар кичик бизнес субъектларига бизнесни ривожлантириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун (Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкаси бўйича) энг кам иш ҳақининг 500 бараваригача миқдорда 24 ой муддатга берилади.

«Микрокредитбанк» кичик бизнес субъектлари учун (Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган ставка бўйича) энг кам иш ҳақининг 2000 бараваригача миқдорда 3 йилгача бўлган муддатга имтиёзли микролизинг хизматлари кўрсатади.

Шунингдек, республикамиз ҳудудларидаги филиаллар томонидан аҳолига барча турдаги банк хизматлари кўрсатилади.

Ўзбекистон Мустақиллигининг 15 йиллиги байрами муносабати билан «Микрокредитбанк» ўзининг янги омонат турини тақлиф қилади.

«Шодиёна» номли янги омонат уч ой муддатли бўлиб, йиллик фоиз миқдори 24 фоизни ташкил этади.

Ушбу омонат бўйича фоизлар мижознинг хоҳишига кўра ҳар ойда тўлаб борилади.

Омонатга қўйган маблағингиз Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш» фонди томонидан кафолатланган.

Омонатингизни авайлаб-асраймиз ва кўпайтирамиз.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 178-28-11, 178-28-12, 179-05-79.

«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

МАНБАЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ

банк тизимларида хизмат кўрсатаётган айрим мансабдор шахслар томонидан 156 та ҳолатда жиноятлар содир этилганлиги кишини ташвишга солади.

Қонун талабларига зид равишда савдо фаолияти билан шугулланиш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари ноқонуний айланишида иштирокчилик қилган, унга шароит яратган ҳамда ўз хизмат вази-фаларини суистеъмоил қилган ана шундай маҳаллий ҳокимият идоралари, банк муассасалари, солиқ хизмати идоралари, божхона хизмати, ички ишлар ходимларининг айрим масъул ва мансабдор ходимлари жиноий жавобгарликка тортилди.

— Президентимизнинг шу йил 21 апрелдаги 331-сонли қарори билан Департамент номи ўзгарди ва унинг зиммасига қўшимча вазифалар юклатилди. Ушбу қарордан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида маълумот берсангиз.

— Дунё тажрибаси солиқ, валюта ва бошқа иқтисодий жиноятларга қарши курашиш ишларини кучайтириши, бу борада фойдаланилмаган резервларни ишга солиши тақозо қилмоқда. Негаки, жаҳоннинг баъзи мамлакатларида айрим юридик ва жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти билан ноқонуний равишда шугулланиб, даромад олиш, солиқ ва тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, турли хил молиявий суистеъмоилликлар, фирибгарликлар, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш каби ҳолатлар кузатилмоқда.

Шунинг учун иқтисодий, молиявий, солиқ соҳаларида содир этилган жиноятларнинг шарт-шароитлари ва сабабларини, «хуфиёна бизнес»нинг шаклланиш йўлларини, хорижий валютанинг четга чиқиб кетиш каналлари ва катта миқдордаги пул маблағларининг банкдан ташқари ноқонуний ай-

ланиши манбаларини аниқлаш ва бартафоз этиш ишларини кучайтириш зарур бўлади. Айниқса, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (қонунийлаштириш) га қарши курашиш, терроризмни молиялаштирувчи манбаларга чек қўйиш масаласи жуда муҳим ҳисобланади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президентимиз халқаро терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши кураш масаласига эътибор қаратиб, XXI аср вобоси бўлган ушбу иллатнинг фақат ташқи кўринишлари — беғуноа одамларни гаровга оладиган, портлатадиган, ўлдирадиган кимсаларга қарши кураш билангина бу офатни бартафоз этиб бўлмаслигини; ушбу бало-қазонинг бирламчи манбаларига қарши кураш даркорлигини таъкидлаган эди. Президентимиз айтганларидек, иқтисодий эркинлаштириш, мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим устувор вазифалардан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишдир.

Бу борада ҳуқуқий ҳумоя тизими яратилмоқда. Чунончи, шу йил январдан бошлаб «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун кучга кирди. У жиноий фаолиятдан олинган даромадни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиди. Ушбу қонун талаблари ихросини таъминлаш, шунингдек, иқтисодий, валюта-молия соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш мақсадида шу йилнинг 21 апрелдаги Президентимизнинг «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий

фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Департамент Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига айлантирилди.

Департамент зиммасига молиявий разведканинг замонавий тизимини яратиш, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг канал ва механизмларини аниқлашга йўналтирилган молиявий, мулкий операцияларнинг мониторингини амалга ошириш, хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ҳамда халқаро иxtисослашган ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳамда ахборотлар айрибошлаш каби янги вазифалар юклатилди.

Қўрилатган чора-тадбирлар, банк ва бошқа мутасадди идоралар билан ахборот айрибошлаш, олинган ахборотлар асосида тезкор қидирув ишларининг кенг қўлабда амалга оширилиши натижасида сўнгги уч ой муддатда жиноий даромадларни легаллаштириш ҳолатларига оид 20 дан ортиқ жиноятлар фош этилди.

— **Департамент ходимлари банклардаги ҳисоб рақамларни ёпиб, пулларига «банд» солаётганликлари ҳақида тадбиркорлар орасида кўплаб миш-миш гаплар пайдо бўлган. Сиз буни қандай изоҳлайсиз?**

— Қонун доирасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга ҳеч қим халақит бермайди. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва унинг ривожланишига ёрдам бериш давлат томонидан қабул қилинган бир қанча қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида кафолатланган. Шунинг учун қонуний фаолият юритаётган ҳўжалиқ субъектлари орасида бундай хавотирли миш-мишлар бўлмаса керак, деб ўйлайман. Қолаверса, қонунда

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига асосан Департамент Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига айлантирилди.

Қонунга асосан пул маблағлари ёпиб қўйилган ҳолатда кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг тўрт миң бараварига тенг ёки ундан ортиқ бўлса, шунингдек, бошқа бир қанча ҳолатларда тадбиркорнинг пул маблағлари банк томонидан махсус трансакция ҳисоб рақамлари олинган, Департамент органларига хабар берилади.

Биз эса ана шу пул маблағларининг қандай мақсадларга йўналтирилганини ҳўжалиқ субъектининг фаолиятига аראлашмаган ҳолда, тезкор-таҳлилий йўллар билан ўрганиб чиқамиз. Агарда жиноят аломатлари аниқланмаса, у ҳолда банк операциялари оддий тартибда давом этаверади. Урганишда жиноят аломатлари аниқланган тақдирда, маблағларнинг ҳаракатини тўхтатиш тўғрисида қарор чиқарилиб, бу ҳақда банкка хабар берамиз.

Қонуннинг юқоридоғи талаби асосида Департамент органлари томонидан июнь-июль ойларида 4 миллиард сўмдан ортиқ маблағларнинг банкдан ташқари ноқонуний айланиши ва нақдлаштирилишининг олди олинди.

Бугун Департамент ходимлари зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилган. Бозор иқтисодий тизимини чўқурлаштириш, эркин бозор муносабатларини ўрнатиш, хуфиёна иқтисодий тарҳам бериш ва мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш мақсадида биздан куч ва ғайрат билан меҳнат қилиш талаб этилади. Дарҳақиқат, шу юрт, шу замин ва мустақил Ўзбекистон халқи учун меҳнат қилиш ҳар бир ўзбекистонликнинг фуқаролик ҳамда муқаддас бурчидир.

Сўхбатдош:
Ақбар ЖОНУЗОҚОВ

«ХОРАЗМ-ДОН»

маҳсулотлари очиқ турдаги акциядорлик
жамияти жамоаси

Ўзбекистон халқини республикамиз
Мустақиллигининг

15 йиллик

байрами билан самимий кутлайдиган!

Сиз азиз юртдошларимизга тинчлик-омонлик,
фаровонлик, оилавий бахт ва истиқлолни мустақкамлаш
йўлидаги ишларингизга зафарлар тилайди.

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз ватандошлар!



«Хоразм-Дон» маҳсулотлари очиқ турдаги акциядорлик жамияти



НАВОИЙ — УЗУҚДАГИ ОЛТИН КЎЗ

ДЕБ ТАЪРИФЛАШАДИ ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР

Саксонинчи йиллар охирида шўролар даври зуғуми билан тугатилиб, тўқсонинчи йиллар бошида Юртбошимиз Ислам Каримов сазий-харакати билан қайта ташкил топган Навоий вилояти ўз мазмун-моҳиятига кўра буюк бобокалонимиз Алишер Навоий номи билан юритилади.

Хўш, нега энди Ўзбекистон таркибидан энг кенжа вилоят тарзида тарихга кирган бу ҳудуд шеърятимиз султони муборак номи билан аталади? Қизилқум кенгликлари-ю Маликчўл, Уртачўл даштларининг шоир номи билан боғлиқлиги нимада?

Биринчидан, қадим Кармана — навқирон Навоий шаҳри айтарли Бухоро, Самарқанд, Қарши билан тенгдош. Иккинчидан, Навоий ҳазратлари гоҳ Хиротда, гоҳ Самарқандда юрган кезларида пойи-қадами бу чўллар, бу даштлар ва кўна Карманага бир эмас, бир неча бор теккан. Тўғри, санатчилар ва олтинтопарлар масканлари — Навоий, Зарафшон эллигинчи-олтми-

шинчи йилларда кўз очган бўлса-да, ҳудуд тарихи, улуг шоиримиз замондошлари — Мавлоно Ориф Деғтароний, Косим Шайх Азизон, Мир Саид Баҳром ва бошқа пиру комиллар юрти ҳам булган.

Юртбошимиз ҳар гал Навоийда бўлганларида шоир номидаги вилоят марказида унинг тарихий асарларига мос ва хос тасвирлар бўлишларини қайта-қайта таъкидлаганлар.

— Навоий вилояти истиқлол боис яна кўз очди, — дейди вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Баҳриддин Рўзиев. — Бугунги Навоий олдингисидан тубдан фарқ қилади. Унда ўзбек қорақўнчилиги ривожига, рангли металллар ва уран саноти ҳамда мрамар ишлаб чиқаришга асос солинди, десак муболага бўлмайди. Шунданки, чет элликлар Навоийни «узۇқдаги олтин кўз» деб таърифлашади.

Унинг мустақиллик йиллари солиномасига кирган иншоотлар: Зарафшондаги «Ньюмонт Корпорейшн» қўшма корхонаси, Қоракотадаги улкан фосфорит комбинати, Учқўддаги 3-гидрометаллургия заводи, «Зариспарк», «Агама», «Зарландиндустрия» қўшма корхоналари, Ўзбе-

кистон — Америка ҳамкорлигидаги «Бентонит» ишлаб чиқариш заводи, тўқимачилик саноти, ишлаб чиқариш қувватлари... Ёки Карманадаги йилга 300-350 тонна пиллани қайта ишлаб, шойи хомашёси тайёрлайдиган Ҳиндистон — Ўзбекистон қўшма корхонаси, Навоийдаги йилга ўртача 10 минг тонна пахта толасини калавалаб берувчи «Бахттекст» қувватлари...

— Мустақиллигимиз 15 йиллиги арафасида вилоятда ишга тушириладиган иншоотлар қурилиши ҳам шу кунларда жадал кетмоқда, — изоҳлади вилоят капитал қурилиш бошқармаси бошлиги Музаффар Хайитов. — Утган йили 10 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилган бўлса, бу йил охиригача у 14 миллиард 600 миллион сўмлик маблағ даражасига чиқади. Байрам тантаналарига қадар бунинг 12 миллиард сўми тўла ўзлаштирилади. Бу — 15 та муҳим юбилей объектлари ишга тушади, дегани. Масалан, Қизилтепадаги 32-урта умумтаълим мактаби, Карманадаги педагогика коллежи, Конимехдаги ички ишлар бошқармасининг маъмурий биноси, Томдидаги янги қишлоқ врачлик пун-

кти, Зарафшондаги болалар спорт ўйингоҳи... Хуллас, «15 йилликка — 15 та зарбдор объект»...

— Мен Навбахор туманидаги «Истиқлол» касб-хунар коллежи пойдеворига дастлабки гишт қўйганларданман, — дейди меҳнат фахрийси Ҳамро бобо Пулатов. — Айни кезде бу коллежда 420 нафар эртанги кун мутахассислари таълим олишяпти, уларни кўриб фахрланаман...

Вилоятда байрам шукўҳи наинки қурилишларда — кимёгарлар, олтинтопарлар, нурчилар иш масканларида ҳам ёрқин акс этмоқда. Эрта-индин Навоий тоғ-металлургия комбинати, машинасозлик заводи, «Қизилқум-цемент» ва «Азот» очқ турдаги акциядорлик жамиятлари, «Электромимё» корхонаси, Навоий иссиқлик электр станцияси меҳнат жамоаларида ҳам ёрқин акс этмоқда. Худди шу кўнларда ўзларининг бахт тўйларини ўтказиш истагида яқин дўсту ёронларига таклифнома тарқатаётган ёш йигит-қизлар қанчадан-қанча...

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири

ИПОТЕКА BANK

Озоғ ва обод юртнинг
истиқлол шукўҳи ўзгача



Мустақилликнинг 15 йиллиги муборак,
азиз юртдошлар!

Байрам муносабати билан Сизларга
ЯНГИ

«Ёғду» омонатини
таклиф этамиз

Йиллик — 24 фоиз

Омонат муддати — 2 ой

Минимал сумма — 100 000 сўм

Омонат 2006 йил 1 сентябргача қабул қилинади

www.ipotekabank.uz

ЎзР МБ №74 сонли лицензияси



«ОҲАНГАРОНДОН»

ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

азиз ватандошларимизни

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ —

мамлакатимиз Мустақиллигининг

15 йиллиги

билан самимий муборакбод этади.

Ўтган ўн беш йил мобайнида улкан
ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотлар
амалга оширилди. Ғалла, нефть,
газ, энергетика ва бошқа кўплаб соҳалар
мустақиллиги таъминланди.

Жамоамиз ишлаб чиқаришнинг энг мақбул ва
самарали йўлларида илгарилаб бормоқда.

Биз ишлаб чиқараётган ун ва ун
маҳсулотларининг сифати

халқимиз томонидан эътироф этилмоқда.

Эртамин бугундан-да саодатли бўлишига
шак-шубҳа йўқ.

Барчангизни улуг айём билан

қутлар эканмиз, хонадонларингизга тинчлик,
ишларингизга ривож тилаймиз!



Хоразм Вилояти Машина-трактор парклари бирлашмаси

очқ акциядорлик жамияти жамоаси

халқимизга эрк, бахт-саодат берган
ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ —

Мустақиллигимизнинг
15 йиллик шодиёнаси

билан юртдошларимизни қутлайди.

Ниятларимиз пок,
ҳаётимиз фаровон бўлсин.

15

Хоразм вилояти МТП бирлашмаси
очқ акциядорлик жамияти



ХИТОЙ — ЭРОН

«Рейтер» агентлигининг хабар беришича, чоршанба куну Хитой ҳукумати Эронга мурожаат қилиб, уни ядро дастури борасидаги дунё ҳамжамияти хавотирларини ҳисобга олишга чақирди.

Хитой Ташқи ишлар вазирлиги тарқатган баёнотга кўра, Пекин «Эроннинг зарур конструктив қадамларни қўйишига умид боғлайди», келишмовчиликка юз тутган бошқа томонлар эса «сабр ва матонат» ила иш кўради.



ПЕРУ — ЧИЛИ

Перу ва Чили ҳукуматлари орасида икки томонлама савдо ҳақидаги шартнома имзоланди. Ҳукумат вакиллари шартнома икки мамлакатдаги иқтисодий ўсишга туртки бўлади, деган умидда.


УКРАИНА

«Пулково» авиакомпаниясига тегишли бўлган «Ту-154М» самолёти ҳалокатга учраганлиги туфайли кеча мамлакатда мотам куну бўлди.

Самолёт сешанба куну Донецк областининг Новгородське қишлоғидан узоқ бўлмаган жойда фожиага учраган. Ҳаво кемасидаги 169 нафар йўловчининг барчаси қурбон бўлди.

Мутахассислар фикрича, кучли момақалди роқ пайтида юзага келган чақин фожиага сабаб бўлган. Ҳалокат юз беришидан бир неча дақиқа олдин лайнер экипажи тўрт марта «SOS» сигналини берган.

Энди «қора қўтилар»ни топиш лозим. Шунда воқеа сабабларини аниқлаш мумкин. Анапа аэропорти берган маълумотга кўра, ҳалокатга учраган ҳаво кемаси парвозни режа бўйича амалга оширган ва техник соз ҳолатда бўлган.



ЛИВАН


Ливан президенти Эмил Лахуднинг мамлакат газеталарида чоп этилган республика халқига мурожаатида айтилишича, Ливандаги уруш 12 июлга қадар, яъни уруш бошланишидан аввал режалаштирилган. Президент АҚШни бунга билвосита алоқадорликда айблади. «Ливан 2 та йўлдан бирини танлаши керак эди: «Янги Яқин Шарқ» шиори остидаги аввалдан режалаштирилган фитнага қўшилиши ёки бу фитнага қарши туриб, Ливан қандай бўлса шундай, яъни ўзимиз хоҳлаган Ливанни сақлаб қолишимиз учун қурашишимиз керак эди», — дейилади мурожаатда.

Президент Эмил Лахуд мамлакатни қайта тиклаш учун ливанликлар қанча машаққат ва азобларга чидаши кераклигини уқтириб, халқини бу йўлда бирлашишга чақирди. Исроил бомбардимони оқибатида ўз турар жойларини ташлаб чиқиб кетган ливанлик қочоқларнинг 80 фоизи ҳозир ўз манзилларига қайтди. Бу ҳақда Ливаннинг ижтимоий ишлар вазири Нейл Муаввад хоним маълум қилди. Унинг айтишича, бир ой давом этган уруш оқибатида деярли бир миллион киши қочқинга айланган.

Ливан тикланиши ва ривожланиш кўмитаси раҳбари Фадел Шалкининг таъкидлашича, уруш давомида Исроил 30 мингта турар жойни бомбардимон қилиб, вайронага ай-

лантирган. Энди уларни тиклаш учун 2 млрд. долларлик маблағ керак. Бундан ташқари яқсон бўлган йўлларни, кўприкларни, сув ва электр таъминотини қайта тиклаш учун яна 1,5 млрд. долларлик маблағ зарур бўлади. Агар Ливанда сиёсий вазият барқарор бўлиб турса ва бутун диққат-эътибор мамлакатни қайта тиклаш ишларига қаратилиб, амалий саъй-ҳаракатлар қилинса, 3-4 йилда бу ишларнинг уддасидан чиқиш мумкин.

— Яна бир муаммо ливанликларни ўйлантириб туриб-



д, яъни Ливан қирғоқларини нефть доғларидан тозалаш масаласи. Аввалдан қилинган ҳисоб-китоблар шуну кўрсатмоқдаки, — дейилади ИТАР-ТАСС ахборотида, — Исроил ҳарбий ҳаво кучлари ҳужуми оқибатида 35 минг тонна нефть денгизга ёйилган. Ҳозир Ливаннинг 70-80 километр қирғоғида — сув юзасида нефть плёнкаси ҳосил бўлган. Бу одамлар ва денгиз жониворлари ҳаётига жиддий зарар етказиши мумкин.

Яқинда бу экологик хавф Греция, Кипр, Сурия, Туркия, Ливан ва Европа Иттифоқи вакиллари иштирокида муҳокама этилди. Ҳисоб-китобларга қараганда, бу нефть доғларини йўқ қилиш учун 50 млн. евродан ортиқ маблағ керак бўларкан.

Яна бир гап. Ҳозир Ливан армиясида хизмат қилиш учун захирадаги ҳарбий хизматчилар чақирилмоқда. Миср ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, мудофаа вазири Илёс ал-Мурра бу ҳақдаги буйруққа имзо чеккан.

Азиз Ватандошлар!

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси




Ўзбекистон халқини энг азиз, энг улуг байрам — республикамиз Мустақиллигининг

15 йиллиги

билан самимий муборакбод этади.



Барчангизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, омонлик, тинчлик-хотиржамлик ҳамда омад ва бахт тилаб қолади!



«ТОШКЕНТМЕТРОПОЛИТЕНИ»

ЖАМОАСИ

барча ватандошларимизни

Ўзбекистон Республикаси

Мустақиллигининг

15 йиллиги

билан самимий муборакбод этади.




*Ифтихор билан тилга олинadиган улуг айём
кайфияти хонадонингизни ҳеч қачон тарк этмасин!*

*Юртимиз обод, ҳаётимиз фаровон,
мустақиллигимиз боқий, фарзандларимиз келажаги
порлоқ бўлиши бугун амалга ошираётган ишлар
қамровига боғлиқ.*

**Шундай экан, баралла айтишимиз мумкин:
«Ўзбекистон келажаги буюк давлат!»**

**Юртимиз тинч, осмонимиз
мусаффо бўлсин!**

«Тошкентметрополитени» жамоаси



«БОҒОТ-ДОН»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг

15 йиллик байрами

билан чин қалбдан самимий табриклайди.

Осмонимиз мусаффо бўлсин, эзгу ниятларимиз рўёбга чиқаверсин, хонадонимиздан файзу баракот аримасин.

**Бунёдкорлик йўлидаги ишларимиз
ҳамиша бароридан келсин.**

15

«Боғот-дон» очиқ
акциядорлик жамияти

UZMAL
OIL

«Ўз Мал Ойл»

Ўзбекистон – Малайзия
қўшма корхонаси жамоаси


Ўзбекистон халқини, ўз миждлари ва
барча ҳамкасбларини энг улуг, энг азиз айём –
республика Мустақиллигининг

15 йиллиги

билан самимий табриклайди!

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат,
эзгулик ва фаровонлик, Ўзбекистоннинг рабнақи ва
гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорона меҳнатингизда
янгидан-янги зафарлар тилаймиз.

«Ўз Мал Ойл» қўшма корхонаси хизматингизга доим тайёр.



САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон аталмиш жаннатмакон диёр халқини, барча таълим ва таҳсил даргоҳлари аҳлини, касб-хунар сирларини собит туриб эгаллаётган малакали ёш йигит-қизларни ва уларнинг моҳир устозларию мураббийларини энг улуг, энг азиз байрамимиз —

Истиқлолнинг 15 йиллиги
билан қизгин муборакбод этади.

Мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида бугун ҳамма соҳада снақидилдан меҳнат қилаётган барча ватандошларимизга тилагимиз: доим соғ бўлинг, омон бўлинг! Ўқишда, ишда ва ҳаётда зафарлар сизга ёр бўлсин!



ОЛМАЛИҚДАГИ «АММОФОС»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

жонажон Ўзбекистонимизнинг барча фуқароларини энг улуг, энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги

билан самимий муборакбод этади.

Она Ўзбекистонимиз истиқлол йилларида мисли кўрилмаган ютуқларга эришди.

Иқтисодиётимиз тобора юксалиб бормоқда. Бунда жамиятимиз жамоасининг ҳам ҳиссаси борлигидан бахтиёрмиз.



Истиқлол йилларида корхонамизда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва турлари ортди.

Аммифос, аммоний сульфатфосфат, супрефос, сульфат-аммоний, сульфат кислотаси каби минерал ўғитлар ҳамда полиэтилен плёнкаси, ёғоч толали плита (ДВП) сингари халқ истеъмоли молларини кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхонамизда тайёрланган бундай маҳсулотлар бугунги кунда «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган ёрлиқ билан қатор хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.

Жамиятимизда янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида ҳам изланишлар давом эттирилмоқда: фосфогипсни қайта ишлаш йўли билан минерал ўғитлар ҳамда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш юзасидан лойиҳалар поёнига етказилаётир. Юксак самарадорлик ва муваффақиятга эришиш учун етарли куч ва имкониятга эгамиз.

Ватандошларимизни улуг байрам билан қутлар эканмиз, юртимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлсин. Хонадонларимиздан эса қут-барака ва фаровонлик аримасин!

«Аммифос» ОАЖ жамоаси



ҚОРАҚАЛПОҚ САНЪАТИНИНГ ДАВОМЧИСИ

Қўбиз қорақалпоқларнинг энг қадим мусиқа асбоби ҳисобланади. Бахши кўлига қўбиз олганда кўпроқ халқ қаҳрамонларини мадҳ этади. Бекберганнинг оғаси Жақсийлик Сиримбетов Қорақалпоғистондаги таниқли бахши — жировлардан бири эди. У байрам ва туйларда халқ достонлари ҳамда термаларидан куйлаганида Бекберган «мен ҳам оғамдай бахши бўлман» деб оруз қиларди.

Бекберган Сиримбетов мактабда ўқиб юрган кезларида мусиқага чин дилдан ихлос қўйди. Кучли қобилияти боис 12-14 ёшида қўбиз олиб достонлардан парчалар куйлай бошлади, мактабларо ўтказилган кўрик-танловларда қатнашиб, юқори ўринларни эгаллади. Унинг овозини эшитган отахону онахонлар «ўғлим, Оллоҳ берган овозингни эҳтиёт қил, келажакда эл севган бахши бўласан» деб дуо қилишарди. Санъатга қизиққан Бекберган ўрта мактабни тамомлагач, Нукусдаги санъат билим юртининг фольклор бўлимига ўқишга кирди.

Уни тамомлагач, Қорақалпоқ телерадиокомпанияси қошидаги «Муҳаллес» дуторчилар ансамблига ишга қиради. Тинимсиз изланишлари туфайли халққа тез танилди. 2001 йил Хиндистон пойтахти Дехлида «Айқулоч» ансамбли ижодий жамоасининг аъзоси сифатида қорақалпоқ санъатини намойиш этди. Бекберган куйлаган достонлари, шеърий асарлари хиндистонликларда катта таассурот қолдирди. 2003 йилда Сеул шаҳрида гастролда бўлганида унинг маҳорати, ёрқин истеъдоди яна ҳам кенгрок намоён бўлди.

Бекберган санъат сирларини, айниқса, қўбиз



сирларини янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида Бердақ номли Қорақалпоқ давлат университетининг мусиқий таълим факультетига ўқишга кирди. У кейинги йилларда Амстердам ва бошқа шаҳарларда яқка жирос сифатида гастролда бўлди. Голландиялик томошабинлар қорақалпоқ миллий санъатининг нақадар бой эканлигига ишонч ҳосил қилдилар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири
Суратда: Бекберган Сиримбетов.

КҮНГИЛДАГИ НУР

Анча мураккаб шароитдаги Дехқонобод тумани марказида янги, 750 ўринга мўлжалланган агросаноат коллежи қурилиши бошланганда ҳамма ҳаракатта тушди. Аввало, қурилишда 20 дан ошмиқ корхона ва фирмалар иштирок этмоқда. Узок тоғ қишлоқларидан ўқувчилар келиши ҳисобга олинб, 50 ўринли ётоқхона ҳам бунёд этиляпти.

Энг муҳими, бу ўқув маскани қурилиши ҳамжихатлик, меҳр-оқибат мезонига айланди. Ҳар куни юзлаб одамлар беминнат хашарга чиқишмоқда. Тадбиркорлар ҳам қараб туришгани йўқ. Сайфулла Бекназаров, Мўмин Бердиев, Ваҳоб Норсафаров, Абдушукур Дониёвлар ўз ҳимматларини аямдилар. Оқиртма қишлоғидан Шоймурод Кўкиев, «Аэродром» маҳалласида яшовчи Марям Абраева, Бозортепа қишлоғидан Норқобил Жумаев иссиқ овқат учун қўй-эчки етаклаб келишди. Нега бундай бўляпти? Чунки болалар келажакни ўйлаётган ота-оналарнинг ҳиммати бу. Гап берилётган ёрдам ёки таомда эмас. Гап кўнгилдаги нурда. Бу меҳр-оқибат нуридир.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

• Хушхабар

СОВРИН МУБОРАК, ҲАМКАСБ!

Қайсики халқ, қайсики эл ўз қалам аҳлини ардоқлаб, эъзозлаб турса, демак, бундай халқ, бундай эл ўз фуқароларига доим эътиборли, меҳрибон ва ғамхўрдир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ижодкорлар меҳнатини эътироф этиш, қадрлашга тобора катта эътибор берилмоқда. Ҳар йили энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллик аёми арафасида «Энг улуг, энг азиз» республика танловий ғолибларини тақдирлаш анъанавий тус олди.

Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва «Ўзбекино» Миллий агентлиги мамлакат ижодкорларини она-Ватан фуқаролари қалби ва онгида қузатилётган ҳурлик ўзгаришларини ижодий асарларда янада кенгрок талқин этиш, тасвирлаш мақсадида ташкил этган бу кўрик-танловнинг навбатдагиси кеча якунланди. Тақдирланганлар орасида «Ўзбекистон овози» газетасининг бўлим мудири, Республикада хизмат кўрсатган журналист **Номоз Саъдуллаев** ҳам бор.

— Ўз ижодкорига шунчалар эътибор бериб, шунчалар қадрлаб, эъзозлаб, камтарона меҳнатини шунчалар баҳолаган шу халқ, шу эл, шу Ватанга, унинг энг улуг, энг азиз толеи — Мус-



тақиллиги, Истиқлолга ҳали яна, яна ва яна хизмат қилавергинг келади, — дейди танлов ғолиби. — Токи, Мустақиллик, Озодлик ва Ватан каби муқаддас тушунчалар талқини, Миллий истиқлол мафкурасининг шаклланиши, кишилар қалбида кечаётган ҳурлик ўзгаришлари ҳар бир қалам соҳиби ижодининг бош мавзуси бўлиб қолсин...

Дарҳақиқат, мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотлар жараёни ва эришилётган ютуқлар, миллий ғурур, азалий миллий ва умумбашарий қадриятлар ҳамда яратувчанлик йўлида изланиётган фидойи замондошларимиз қиёфаси, муҳаббати, садоқати, эътиқодини ҳаяжон, фахр-ифтихор билан ёзиш, ёритиш ҳар бир ижодкорнинг долзарб вазифаси, олий бурчидир.

Соврин муборак! Ижодингизга барака, ҳамкасб!
ТАҲРИРИЯТ ЖАМОАСИ

• Интер-спорт

КЛИЧКОГА МУНОСИБ РАҚИБ

WBO йўналиши бўйича жаҳон чемпиони, ўта оғир вазнли белорус Сергей Ляхович IBF йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Владимир Кличко-ни жангга чорлаб, мактуб йўллади.

Маълумки, Владимир 11 ноябрь куни америкалик Шэннон Бриггс ёки АҚШ фуқароси Олег Маскаев билан жанг

қилиши режалаштирилган. Ляховичга эса бу маъқул келмаяпти. «Илгари сиз америкалик Лэймон Брюстер касалхонада даволанаётганига қарамай уни жангга чақирган эдингиз, — дейилади Ляховичнинг Кличкога йўлланган мактубида. — Энди эса 12 раундлик жангга аранг ютүққа эришган, дам олиши лозим бўлган Маскаевни рингга

чорлаясиз. Бу билан ўзингизни мард қилиб кўрсатаётирсиз, шекилли. Ваҳоланки, менинг иш юритувчим сизнинг менежерингиз Шелли Финкелга кўнгирок қилганда у ҳозир бунинг вақти эмас, деган. Умуман, вақтни ўтказиш фойда берармикан? Уйлайманки, иккалаимиз жанг қилсак жаҳоннинг энг кучли боксчиси сараланган бўларди».

Хурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

ДАВЛАТ МУЛКИ КЎМИТАСИНING ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ «РОУТАХТ АУКСИОН» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

2006 йилнинг 26,29 сентябрь ва 3,6,10,13,17,20,24,27,31 октябрь кунлари аукцион савдоларини ўтказилади.

Савдоларга Тошкент шаҳар, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 6-уйда жойлашган, банкрот деб эътироф этилган «Алта Ltd» қўшма корхонасига қарашли бино ва асбоб-ускуналар кўйилади.

Бошланғич нархи — 1 099 272 550 сўм.

Савдоларда катнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридagi закат пулини «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК АТИБ «Ипотека-банк»

Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Мурожаат учун телефон: 133-23-40.

Гувоҳнома №000815



ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК

1991-2006

«Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси барча юртдошларимизни республикамиз Мустақиллигининг 15 йиллиги билан табриклайди ва байрам тухфаси сифатида «Шодиёна» деб номланган муддатли омонатдан фойдаланишни таклиф қилади.

Омонатга:

3 ой муддатга энг камида 100 000 сўм қўйилади, йиллик 24 фоиз ҳисобидан даромад тўланади, маблағлар шу йилнинг 31 августигача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефонлар: 120-45-24, 136-06-54.

www.uzpsb.uz

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Latif G'ULOMOV

Asliddin RUSTAMOV

Ashur QODIROV

Bobir ALIMOV

Farruh HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Alimqul SULTONOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Andrey ORLOV

(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)

Norbobo SHAKAROV

Nomoz SA'DULLAYEV

To'lepbergen QAIPBERGENOV

Musliliddin MUHIDDINOV

Olim MURODOV

Abdug'ani MAMASODIQOV

(Mas'ul kotib)

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat, partiya va xalqaro hayot

133-10-13

Ma'naviyat va ma'rifot

133-69-45

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot

133-20-36

Parlament va huquq

136-76-21

Ekologiya va salomatlik

133-44-55

Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik

133-21-43

Xatlar va ommaviy ishlar

133-12-56 (Tel. Faks)

Mas'ul kotib

133-72-83

Reklama va e'lonlar

133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda —

25-32-70

Buxoroda —

222-10-92

Gulistonda —

25-22-32

Jizzaxda —

5-49-85

Navoiyda —

223-83-73

Namanganda —

6-43-43

Nukusda —

222-70-15

Samarqandda —

35-20-54

Urganchda —

226-51-35

Farg'onada —

26-43-62

Termizda —

3-79-98

MANZILIMIZ:

70000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV

Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi.

Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.

Hajmi 2 bosma tabaq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1052

7452 nusxada bosildi

Г — Тўқсонот маммуазу

O'zA yakuni — 22.20

Topshirish vaqti — 22.30

1 2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda